

016:8

А 14

016:82(575.1)

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ДАВЛАТ АРБОБИ, ТАРИХЧИ ВА  
АДИБ

*Абулғозий Баҳодирхон таваллудининг  
400 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Ташкент – 2005

2091029

78.342

Д 14

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

*Тузувчи*

*М.Матмурадова*

*Муҳаррир*

*Х.Маматраимова*

*Масъул муҳаррир*

*О.Қиличбоев*

*Мағнитерувчи*

*З.Жалилова*

Д 14

Давлат арбоби, тарихчи ва адаби: Абулғозий Баҳодирхон таваллудининг 400 йиллиги муносабати билан: Метод-библиогр. кўлл. /Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир Х.Маматраимова.- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қ-наси.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қ-наси нашриёти, 2005.- 48 б.

**КБК 78.342+63.3 (5 У)**

Шарқ жалклари тарихи, маданияти, адабиётининг ўтқир билимдони, маърифатпарвар, давлат арбоби ва олимпаридан бири Абулғозий Баҳодирхон таваллудининг 400 йиллигига бағищланган ушбу методик-библиографик кўлланма тарихчи ва адаб ижодини, меросини чукур ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми хақида маълумотлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005 й.

## МУҚАДДИМА

*Тарих - халқ маънавиятининг  
асосиодир.\*  
И.Каримов*

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини аңглашга қизиқиши ортиб бормоқда.

Жумладан, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, шунингдек, Ватани тарихини билишни истайди.

Ўзбек ўз тарихини жуда юзаки биларди, баъзиларимиз эса умуман билмаймиз. Ҳолбуки Наршахий, Рашидиддин, Шарағифиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Ҳондамир, Абулғозий, Баёни, Ибрат каби улуғ муаррих боболаримиз Ватанимиз, халқимиз тарихини ҳалоллик билан хаққоний ёзиб қолдирғанлар.

Миллий ўзлигимизни англаш, миллий туйғуларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш зарурияти юзага келди. Жумладан, бугунги кунда қадимий бой ва бебаҳо адабий меросимизни, тарихимизни, ўтмишда яшаб ижод этган, тарихимиз, адабиётимиз ва маданиятимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшган алломалар, олимлар, шоир ва адилларимизнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳам миллий қадриятларимизни тиклаш ва улар қолдирған дурдона асарларни тарғиб қилишдан иборат. Шу жиҳатдан қараганда ўзининг ижоди билан маданиятимиз, илм-фанимиз хазинасига муносиб ҳисса

---

\* Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.21.

кўшган Абулғозий Баҳодирхон ва унинг асарларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Абулғозий Баҳодирхон Шарқ ҳалқлари тарихи, маданияти, адабиётининг ўткир билимдони, давлат арбоби сифатида жаҳон илм-фани, айниқса ўзбек ҳалқи маданиятига беҳад катта ҳисса кўшган олим ҳамдир.

Ҳақиқатан ҳам Абулғозий Баҳодирхон XVI – XVII асрлар тарихчисининг йирик бетакрор вакилидир. У илм-фан, ўзбек маданияти ривожига муносиб ҳиссасини кўшган улуғ сиймодир.

2005 йил август ойида Абулғозий Баҳодирхон таваллудига 400 йил тўлади. Ўзбек ҳалқи бу санани нишонлайдилар, чунки муаллиф ижоди кўпчиликни мафтун этиб келган, унинг асарлари жаҳон тиллари ва кардош ҳалклар тилларига таржима қилинган.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхонлар дикқатини Абулғозий Баҳодирхон ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини кенг тарғиб килишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра сұхбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув кечаси, хотира соати, китоб кўргазмаси, асарларининг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун адабиётшунослар, тилшунослар, тарихчилар, диншунослар, ўлкашунослар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар ҳамда тарих ва адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғар-

малари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, тарихчилар, тишишунослар, адабиётшунослар, географлар, диншунослар, хотин-кизлар құмиталари, журналистлар, үлкашунослик музейлари ходимлари билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва үтказишларини маслахат берамиз.

Ушбу методик-библиографик құлланмада кутубхоналарда тарихчи ва адебнинг 400 йиллигига бағыланған тадбирларни үтказишга кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари күриб чиқылған.

**Изоҳ:** Берилған маълумотларга қараганда, айрим манбаларда Абулғози Баҳодирхон 1603 йил 12 август яна 23 августа таваллуд топған деб күрсатылған. Тарих фанлари номзоди Қувомиддин Муниров “Буюк сиймолар, алломалар” (1997), “Маънавият юлдузлари”, “Хоразмда тарикнавислик” рисолаларида (1999, 2001, 2002) 1605 йил 23 августа таваллуд топған деб күрсатылған. Шунингдек, Абулғозий Баҳодирхон айрим манбаларда “Абулғози” ва “Абулғозий” шаклларида ҳам берилған. Унинг “Шажараи тарокима”, “Шажараи түрк” асарлари мустакиллік йилларидаги нашрларида “Шажарайи түрк” (1992), “Шажарайи тарокима” (1995) деб берилған.

Ушбу методик-библиографик құлланмада Қувомиддин Муниров берган маълумотларга таянған холда Абулғозий Баҳодирхон 1605 йил 23 августа таваллуд топған деб берилді.

Шунингдек, Абулғозий Баҳодирхоннинг илмий ишлари ва асарларига берилған баҳолар муаллифлар томонидан қандай шаклда берилған бўлса уларни шундай беришга ҳаракат қилдик.

## **Абулғозий Баҳодирхон ҳаёти ва фаолияти (1605 – 1664)**

Бинни Оқатойхон бинни Ҳожимуҳаммад бинни Арабмуҳаммад Абулғозий Хоразмий ҳам олим, тарихнавис, адиб, тиљшунос, шоир ва давлат арбоби сифатида жаҳон илм-фани, айниқса ўзбек халқи маданиятига беҳад катта хисса кўшганлардан биридир.

Абулғозий Баҳодирхон Хоразм хуқмдори Араб Мухаммадхоннинг тўртинчи ўгли бўлиб, ўз асарларида таржимаи ҳолига оид анча маълумотларни келтирган.

Муаллиф таваллуд санасини қуидагича баён этади: “Урганч вилоятида тарих ҳижрий минг таки ўн тўртда (1605 – 1606 ) асад буржи ва рабиъ ал-аввал ойининг ўн бешида душанба кун офтоб бирлан баробар тулӯй қилибмиз”\*.

Абулғозий “Шажарайи турк” асарида ўзи ҳакида шундай деб ёзган: “Бу фақирға, – худойи таоло иноят қилиб кўп нимарса берган туур. Хусусан уч ҳунар берган туур. Аввал сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсуниким нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвга ёсок ясамоқ, кўп бирлан юругандга нечук қилмоқ. Дўстға, душманга нечук сўзлашмоқ. Иккинчи маснавийёт ва қасоид ва газалиёт ва муқаттатъот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий лугатларини маъносини билмаклик. Учинчи, одам аҳдиндин, то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўгулистанда ўтган

---

\* Абулғозийхон. Шажарайи турк /ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний ном. Шарқшунослик инж-ти, кўлэзма инв.№ 851. в: 168б-169а; Муниров К. Хоразмда тарихнавислик: (XVII-XIX ва XX аср бошлари).- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 2002.- Б.25.

подшохларнинг отлари ва уларнинг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик”\*.

Абулғозийнинг отаси Араб Мұхаммадхон, онаси Мехрибону хоним бўлиб, Жонғози султоннинг қизи бўлган.

У 6 ёшига қирганда онаси вафот этади. Абулғозий 16 ёшигача Урганчда отаси Қўлида тарбияланган.

Берилган маълумотларга кўра Араб Мұхаммадхон, Абулғозийхон, Асфандиёр ва Шариф Мұхаммадлар билан Ҳабаш ва Элбарс ўртасида низо кучайиб икки орада уруш воқеъ бўлади. Ушбу урушда енгилган Араб Мұхаммадхон қўлга тушади ва қўзи кўр қилинган. Машақкатлар билан сувдан кечиб ўтган Абулғозий аввал Катга, сўнгра Бухорага, Иномқулихон ҳузурига қочиб борган. Хоннинг бошқа ўйиллари эса Исфаидиёр султон, Шариф Мұхаммад султон ва Хоразмшоҳ султон Ҳазараспга борганлар ва унинг мустаҳкам қальясига яширинганлар. Ҳабаш билан Элбарс кирк кунлик қамалдан кейин оғаси Исфандиёр, инилари Шариф Мұхаммад султонга Катни инъом қилган. Хоразмшоҳ султон билан Афғон султонни Хивага жўнатган.

Бирок Исфандиёр султон Маккага бормади, у тўғри Исфаҳонга, шоҳ Аббос I ҳузурига боради ва унинг ёрдами билан 1623 йилда Хива таҳтини эгаллаган. Абулғозий бундан хабар топиб, шу йили ёқ Хоразмга кайтиб борди. Исфандиёрхон унга Урганчни беради. Орадан тўрт йил ўтиб, 1627 йили ҳон билан оралари бузилиб, Абулғозий Туркистонга Эшимхон ҳузурига қочиб борган. Кўп ўтмай уни Турсунхон Тошкентга олиб келади. У Тошкентда икки йил ·яшаган ва Турсунхоннинг ўлимидан кейин яна

\* Баходирхон Абулғозий. Шажарайи турк: Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун /Масъул мухаррир ва сўз боши муаллифи Б.А.Ахмедов; Нашрга тайёрлов чилар: К.Муниров, К.Махмудов.-Т.: Чўлпон, 1992.-Б.3.

Бухорога, Имомқулихон хузурига борган. Бирок, у Бухорода кўп колмаган. Ўша йили хондан норози бўлган хивалик туркманларнинг чақириғи билан яна Хоразмга қайтиб борга н. Исфандиёр ўша вақтда Хазораспда турад эди. Икки ой давом этган борди-келдидан кейин унга Хивани топширишга мажбур бўлган. Бироқ пайт пойлаб юрган Исфандиёр орадан олти ой ўтгач, уни ўша вақтларда Эрон подшоси тасарруфига тушиб қолган Нисо билан Дарунга (Ашҳобод билан Кизиларват ўргасида жойлашган манзилгоҳ) Боскин қилишда айблаб ҳибсга олган ва Эрон шохи Сафиъ 1 (1627 – 1642) хузурига омонат тарзида жўнатиб юборган.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра Абулғозий Эронда қариб 10 йил (1630 – 1639) маҳсус назоратчилар кўли остида Исфахонга яқин жойлашган Табораҳ калъасида тирикчилик ўтказган. 1639 йили ёз кунларидан бирида у тутқунликдан кочиб кутулишга муваффак бўлади. Анча тарафдуд ва машаққатлар чекиб, икки ярим йилда, 1642 йили Орол ўзбеклари орасига келиб қолган. Ороллик ўзбеклар 1643 йили Абулғозийни хон қилиб кўтарганлар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили, у кўпчилик рақибларини енгиб, Хоразм таҳтини эгаллашга мушарраф бўлган.

Абулғозийхон йигирма (1644 – 1664) йил давомида тарқоқ ҳолатга келиб қолган Хоразм давлатини мустақил ва марказлашган давлатта айлангиришга эришган.

У мамлакатни иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустаҳкамлаган.

Абулғозий ҳукмдор бўлиши билан бир қаторда олим, тарихчи ва адаб ҳам бўлган.

У Хоразмда илм-фанни тарақкий эттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига илғор фикрли олим Уламолар, шоири бастакорлар. меъмору наққошлар,

табиблар, тарихнавислар, адиблар, ҳаттотлар ва бошқа касб эгаларини түплаган. У шунингдек, Хива, Орол ва Вазир шаҳарларида бир қатор бинолар, Шоҳобод, Фозиобод каналларини, масжидлар, турагар-жойлар курдирган, ободончилик, дежқончилик ишларига алоҳида эътибор берган. Унинг бевосита раҳбарлигидаги лойиха асосида Хива қалъаси ичидаги ерости оқава сувидан фойдаланиб, бекик канализация тармоғи бунёд қилинган. У Хивада отаси Араб Мухаммадхон хотирасига ҳашаматли улкан мадраса курдирган. Баъзи берилган маълумотларга кўра, Абулғозий бироз муддат шу мадрасада талабаларга дарс ҳам берганлар.

Абулғозий Бухорода, Тошкентда ҳамда Эронда бўлган чоғларида кўпинча илғор фикрли олимларнинг тарихий асарлари билан танишади. Ушбу ҳол Абулғозийда илмий дунёқарашининг шаклланишида ва унинг кейинчалик ўз замонаси нинг маърифатпарвар кишиларидан бўлиб етишишида катта роль ўйнаган.

Жумладан, у Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, эронлик машхур тарихчи Рашидиддиннинг “Жомеъ-ул-таварих” (“Тарихлар мажмуаси”), Биноийнинг “Шайбонийнома”, Мирхонднинг “Равзотус-сафо”, Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”, Мухаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарлари, Хондамир, Зайниддин Восифий, Абдураззоқ Самарқандий, Жувайний, Ибн Арабшоҳ каби муаррихларнинг китобларини ўқиб чиқиш баҳтига мұяссар бўлган.

Абулғозий ўз даврига кадар Хоразмга оид дуруст роқ бир тарих китоби бўлмаганлиги учун XVI – XVII асрлар воқеаларига бағишлисанган тарихий китобга эҳтиёж сезади. Ана шундай ниятда у катта иштиёқ билан “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар тарихи” ёки

“Туркманлар шажараси” 1661 й.) ва “Шажарайи турк” (“Түрк сулоласи тарихи” ёки “Турклар шажараси” 1664 й.) каби нодир асарлар ёзди ва Хоразм тарихнавислик мактабига асос солди.

Муаллиф “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) асарида туркий қабилаларнинг, хусусан, туркман ҳалқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Асарда барча туркий ҳалқларнинг афсонавий подшоси Үғузхон ва унинг авлоди, тарихи, шунингдек, туркман уруғлари (солур, бояндур, така, ёвмут, тевачи, хизр эли, сарик, Али эли, ёзир, эрсори ва бошқаларнинг) келиб чиқиши қисқа тарзда баён этилган. Ушбу асарда туркман ҳалқи яратган кўпгина ривоят ва ҳикоятлар, афсонавий ӯғуз-туркман, Дада Қўркут ҳақидаги эртак ва афсоналар, шеърлар ӯрин олган.

Шунингдек, асарда тарихий этногенезини кўрсатиб ўтилган ва ўзбек ҳамда туркман ҳалқлари ўртасида иноқлик ўрнатилиши таъкидланган.

Ушбу асар XVI – XVII асрлар тарихини текшириш ва Ӯрганишда муҳим тарихий манба сифатида ҳозиргacha ўз аҳамиятини йўқотмаган. “Шажарайи гарокима” фақатгина муҳим тарихий манба бўлиб қолмасдан, қимматбаҳо адабий ёдгорлик ҳамdir.

Абулғозий Баҳодирхоннинг иккинчи йирик асари “Шажарайи турк”дир. Муаллиф асарни ёзib битира олмайди. Унинг вафотидан сунг ўғли Анушахоннинг топширини билан Урганч муллаларидан бири, Абулғозининг қариндоши Махмуд ибн Мухаммад Урганжий китобнинг ёзилмай қолган 21 сахифасини ёзди. Бу ҳақда асарда мана бу қайд бор: “Маълум бўлсинким, Абулғозихони жаннат макон бу китобни тасниф қилиб ярмига етканда хаста бўлдилар, ўғилларига васият қилиб турурларким, бу китобни нотамом қўйманг, итмомига саъй (ҳаракат) килинг. Ул

сабабдин Абулмузаффар валмансур Анушахон ибн Абулғозиҳон мархум ва мағфурий, бу бандайи бебизоат ва каминайи беистиоат Махмудий ибн мулла Мұхаммад замон Урганчий бўлғайман, “бу китобни итмолиға еткур”, деб ҳукм қилдилар”.

Муаллиф “Шажарайи турк”нинг ёзилиш сабаблари хақида ўзи муқаддимада шундай ёзади: “Аммо бизнинг ақаларимизнинг бегпарволики ва Хоразм халқининг бевуқуфлики, бу икки сабабдан, бизнинг жамоатимизни Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилиғи то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қиласи деб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадуқ. Зарур бўлди. Ул сабабдан ўзимиз айтдук. Туркнинг масали туур: “Ўксук ўз киндигини ўзи кесар”, деган.

“Ҳеч подшоҳ ва амир ва ҳеч ҳаким ва донишманд ўз тарихини ўзи айтган эрмас туур. Бизнинг юртимизнинг ҳавосиндин ва аҳли Хоразмнинг бебизотлигидин ҳеч замонда бўлмаган иш бўлди”.

Абулғозий “Шажарайи турк” асарида ўз ота-боболарининг шажарасини, ҳукмдорларнинг силсиласини тарихий воқеалар ва қўпинча, афсона ва ривоятлар орқали қизиқарли ва ихчам ёритади.

“Шажарайи турк” асари ёзилиш сабабларини ўзида акс эттирган қисқагина муқаддима ва тўқиз бобдан иборатdir. I бобда Одам Атодан то Мўғулхонгача, II бобда Мўғулхондан Чингизхонгача, III бобда Чингизхоннинг туғилишидан то вафотигача, IV бобда Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўгадай Коон ва унинг Мўгулистонда ҳукмронлик қилған авлоди, V бобда Чигатойхон ва унинг Мовароуннахрда подшолик қилған ворислари, VI бобда элхонийлар, VII бобда Жўжихон ва унинг Дашиб Қипчокда подшолик қилған авлоди, VIII бобда Жўжихоннинг ўғли

Шайбонийхоннинг авлодидан Мовароуннахр, Қрим, Қозоқ ва Туронда хон бўлганларнинг зикри ҳамда Жўжихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурнинг наслидан Қрим, Қозоқ ва Мовароуннахрда подшолик қилганлар, IX бобда эса Шайбонийхон авлодидан Хоразмда подшолик қилган авлоди ҳукмронлиги йилларида юқорида таъкидлаб ўтилган мамлакатларда содир бўлган тарихий ижтимоий-иқтисодий воқеалар қисқача баён этилган.

“Шажарайи турк” асари жуда катта бўлмасада тарихий воқеаларнинг баёни билан илмий қимматга эгадир. “Шажарайи турк” Абулғозий Баҳодирхон ижодидагина эмас, балки XVII аср ўзбек маданияти тарихида ҳам улкан ўрин тутган асадир. У тарихий-бадиий обида, мемуар китобдир.

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари XVII-XIX асрларда жаҳон илм аҳлининг диққат марказида бўлиб. 1726, 1732, 1770 йилларда немис, француз, инглиз, лотин, татар ва бошқа тилларга таржима қилиниб қайта-қайта нашр этилди. 1825 йили Қозон шаҳрида академик Фрязь томонидан нашр этилган. 1871 – 1874 йиллар орасида “Шажарайи турк”ни профессор Демезон француз тилига таржима қилади. “Шажарайи турк” таржимаси унга катта шуҳрат қелтиради ва нафакат француз, балки Англия ва Америка ҳалқлари орасида ҳам кенг тарқалади. 1969 йилда Демезон матнини илмий ўрганган профессор С.Н.Иванов “Шажарайи турк” матнининг грамматикаси” очеркини яратди. 1825 йили бу асар С.Г.Саблуков томонидан рус тилига таржима килинди. Қарийб 330 йилдан сўнг, яъни 1992 йилда Қ.Муниров, Қ.Маҳмудовлар томонидан нашрга тайёрланиб “Шажарайи турк” асари ўз она тилимизда нашр этилди.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, Абулғозий ўз даврининг билимдон тарижчиси ва қобилият-

ли шоири бўлишидан ташқари, у табобат илми билан ҳам шуғулланганлиги ҳақида маълумот бор. Абулғозий жанглар ва савацларда орттирган жароҳатларини Абу Али ибн Сино, Абдурахмон ва Юсуф табибларнинг табобатга доир асарлари, маслаҳатларига кўра ўзи муолажа қилиб, 124 иллатга доир “Манофеъ-ул-инсон” (“Кишиларнинг сихат-саломатликлари йўлида”) рисоласини ёзган\*.

“Манофеъ-ул-инсон” рисоласи тўрт қисмдан иборат бўлиб, бири нчи қисмда оддий дорилар, иккинчи қисмда эса мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш йўллари, учинчи қисмда дардларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, касалликларни даволаш тартиблари ҳақида, тўртингчи қисмда эса ўзидан олдин ўтган табибларнинг ва айни вактда ўзининг беморларни даволаш соҳасидаги фикр-мулоҳазаларини оммабоп, содда тилда баён қиласди. Ушбу қўлланманинг аҳамияти шундаки, муаллиф халқ табобатида қўлланилган 700 дан зиёд доридармонлар тадқиқи 53 бобни ташкил этади. Ҳар бир боб алоҳида касалликларга ва уларни даволаш усулларига бағишлиланган. Жумладан, бош, куз, қулок, тиш оғриғи, сариқ касал ва бошка дардлар муолажаси ҳақида қимматли маслаҳатлар берилган.

Муаллифнинг “Шажарайи тарокима” асари 1893 йилда А.Г.Туманский томонидан рус тилига таржима қилинади. Кейинроқ бу асарнинг тўлиқ таржимаси академик А.Н.Кононов томонидан 1958 йили (Москва, Санкт-Петербург) нашр этилди. Асар тили, услуби фонетик, морфологик, синтактик жиҳатдан чуқур таҳлил этилиб, изоҳлар ҳам берилади. “Шажарайи тарокима” асари

\* Абулғози Б. “Манофеъ-ул-инсон”/ ЎзР Фанлар академияси Абу Райхон Беруний ном. Шарқшунослик ин-ти кўлёзма инв. № 4108. - 48 сахифа.

1995 йилда филология фанлари доктори К.Махмудов томонидан нашрға тайёрланиб ўзбек тилида нашр этилди.

Манбаларга кўра, Хива тарихчиси Абулғозийнинг тарихшунослиқдаги хизматлари хақида “Туркманлар ва Туркманистон тарихи бўйича материаллар” китобида бундай ёзилган: “Табиийки, хивалик, эронлик ва бухоролик тарихчилар XVI – XVII асрлар воқеаларини ёзишда бевосита туркманларга кўпроқ эътибор берадилар. Хива тарихчиси Абулғозий асарлари туркманларнинг XVI–XVII асрлар тарихини ўрганишда ҳозиргача ҳам мухим манба бўлиб қолиши тасодифий эмас. Абулғозийнинг обруси шунчалик бўлганки, у XIX аср Хива тарихшунослигига ҳал килувчи тарьсир кўрсатгани қайд этилган.

Абулғозий – давлат арбоби, олим, муаррих ва шоиргина эмас, шу билан бирга истеъдодли адаб сифатида тақорланмас мерос қолдирган. Шунингдек, Хива хонлигига вужудга келган ана шу тарихнавислик мактабига асос солган олимдир.

Мустақиллик шарофати туфайли, миллий маданиятимизга бошқача муносабаг, яъни тарихимизни, шажаррамизни чукурроқ ўрганишга катта эътибор берилди. Жумладан, Абулғозий Баҳодирхон фаолияти, асарларини ўрганиш ва тарғиб қилиш дикқатга сазовор ҳодиса бўлди. Унинг асарларини ҳар томонлама тадқиқ ва тарғиб этишдан иборатдир.

Абулғозий Баҳодирхон 1664 йили оғир дарга чалиниб ётиб қолди, тожу таҳтни эса ўғли Анушаонга (1664 – 1687) топширади. У 1664 йили вафот этди.

## Абулғозий Баҳодирхон ҳақида

Абулғози Баҳодирхон бинни Арабмуҳаммад ўзбек хонлари ичидан Бобурдан кейинги мухим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуг.

О.Шарафиддинов

У ўз шон-шуҳратини қайта тиклаш, парчаланиб кетаётган хонликни кучли феодал давом тарзида марказлаштириш йўлида ҳам курол, ҳам қалам билан кураш олиб борган ҳукмдор эди. Абулғози барча шарқ ҳукмдорлари каби Шарқ ҳалқлари тарихини, маданий меросини ўрганганди, илм-фанга зътиқод қўйган, мамлакатда осойишталик ўрнатишга харакат қилган ҳукмдор, олим, тарихчи ва адаб эди.

Ҳ.Худойназаров

Янги Урганч барпо этиш, Урганч каналини қуриш, Гурландан шимолда Вазир истеҳкомини солиш каби тадбирлар хон Абулғози даврида тутатилади. Шундай қилиб, унинг даврида чап қирғоқ Хоразмнинг жанубий ерларини иккинчи марта ўзлаштириш бошланган. Хоразмнинг бу маърифатли ҳукмрони ўз ота-боболарининг кўчманчилик одатларидан воз қечиб, шаҳар ва дехқончилик воҳасининг маданиятини ўзлаштириди. Ғозиобод канали ва ундағи истеҳком (Фозовот) ҳам Абулғози номи билан боғлангандир.

Я.Ғуломов

Ҳар ҳолда XVII аср тарихчилари Абулғозихоннинг, шунингдек, XIX аср тарихчилари Мунис ва Оғаҳийларнинг Амударё ва ундан чиқарилған каналлар ҳақида берган

маълумотлари бошқа тарихчиларнинг сугориш ишлари бўйича берган маълумотларига қараганда анча бойдир.

*В.В.Бартольд*

Абулғози ўз даврининг билимдон тарихчиси ва қобильтиятли шоири бўлишидан ташқари, у табобат илми билан ҳам шуғулланган.

*Мұхаммад Юсуф Баёний*

Абулғозихон томонидан кўрилган тадбирлар тўғрисида Шермуҳаммад Мунис асарида келтирилган маълумотлар ҳам уруғларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш учун дикқатга сазовордир.

*М.И.Йўлдошев*

Абулғозихоннинг асарларидаги қарама-қаршиликларни, тенденциясизликни инкор этмаган ҳолда уни XVII аср маданияти тарихига сезиларли хисса қўшган бир арбоб сифатида тилга олиш мумкин.

*А.Абдуллаев*

Ўзбекдин уч юз олтмиш кишига... амал берди. Аларнинг ўтгуз-ўтгуз биртасига ўз ёнидан ўрин берди. Андоқким, икки шайхулислом, икки қози, бир раиссайид ота авладидин. бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт инок, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки оқа, икки арбоб, тўрт чигатой иноқи ва бир вазирким, холомехтар дерлар ва қушбеги, бу иккови ўринсиз. Хон (Абулғози) ҳузурида оёқ устида турдилар.

*Шермуҳаммад Мунис*

Абулғози асари орқали биз ўша катта қиссанинг  
айрим эпизод ва хотималаридан хабардор бўламиз Бу  
Абулғози асарининг аҳамиятини янада ошириб юборади.

X.Корошли

Абулғозий Баҳодирхон адабиёт, тарих, табиат-  
шунослик ва тиббиёт фанини янги тараққиёт поғонасига  
кўтариб, XVII асрда Хоразмда маданий ҳаётнинг тараққий  
етишига ўз хиссасини кўшган билимдон сиймолардандир.

С.Ҳасанов

Абулғозий ўз замонасининг давлат арбоби, атоқли  
тарихнависи ва олими эди.

\* \* \*


XVI-XVII аср Хоразм ўлкаси тарихи ва шу даврда у  
ерда бўлиб ўтган тарихий воқеалар асосан Абулғозий  
асарларида ўз аксини топган. Абулғозий эса кўп тарихий  
воқеаларнинг тириқ шоҳидидир. Бу воқеаларни у ўз кўзи  
билан кўрган ва бу воқеаларда иштирок этган.

К.Муниров

Хоразмда узоқ асрлар давом этиб келган шажаравий  
тарихнавислик бор. Бу чашманинг бошида Абулғози  
Баҳодирхон, Мунис, Оғаҳийлар туради. Улардан қолган  
муқаддас тарих китобларининг қиммати жуда баланд. Ўрта  
Осиё тарихининг зукко билимдони В.В.Бартольд бу асар-  
ларга юкори баҳо бериб, уларгача бу қадар мукаммал  
тарих битилмаганини таъкидлайди.

Н.Жумаев

И.Азизова



## **Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турқ” ва “Шажарайи тарокима” асарлари ҳакидаги фикрлар**

Абулғозининг кўпчилик ишлари Захирiddин Бобурни хостирага туширади, жаҳон унинг “Шажарайи турқ”и учун миннатдордир.

*A. Вамбери*

Тарихимизнинг ва тарбияшунослик фикри тараккиётининг кўп саҳифалари очилмай қолган шу кунда “Шажарайи турқ” барча илм ахли учун муҳим тарихий ва педагогик манба бўлиб хизмат қиласди.

*P. Қодиров, Р.Алимова*

Абулғозининг машҳур “Шажарайи турқ”и худди “Бобурнома” билан эгизакка ўхшайди деса бўлади.

*B.Зоҳидов*

Реалистик тенденцияси кучли бўлган ”Бобурнома”, “Шажарайи турқ” каби мемуарларнинг майдонга келиши, ўзбек бадиий прозасини янги босқичга кутарди. Бобур ва Абулғози Баҳодирхон ўзбек адабий тилини халққа якинлаштиришда, силлиқлашда катта хизмат қилдилар.

*M.Юнусов*

Бадиий насрнинг нодир ёдгорлиги бўлган “Шажарайи турқ”нинг муаллифи Абулғози Баҳодирхон ўзигача бўлган тарихий манбалар, халқ оғзаки ижодиёти ва класик ёзма адабиётимиздан барча бойликларни танқидий ўзлаштирган ўз даврининг билимдон тарихнависи бўлибгина қолмай, ўзбек бадиий насрнинг ривожига муносиб хисса қўшган адаб ҳамдир.

*X.Худойназаров*

XVII аср туржий тилдаги адабиётнинг нодир намуналаридан бири бўлған “Шажарайи турк”нинг ҳар иккала фарангча таржимаси Оврўпода ҳам шуҳрат козонишга сабаб бўлди, десак ҳато қилмаймиз.

*M.Холбеков*

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” тарихий-бадиий мемуар асарининг илмий қиммати тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, яна бир хусусияти, яъни илмий-педагогик аҳамияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик. Олим бу асарида одоб-ахлоққа оид маърифий-дидактик ғояларни ҳам илгари суради.

*C.Ҳасанов*

“Шажарайи тарокима” асари фақатгина тарихий манба бўлиб қолмасдан, балки адабий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятли бўлған, чунки унда ҳалқ афсоналари, ҳалқ этимологияси, этноми, мақом ва маталлари моҳирона тасвирланган.

\* \* \*

Турк тилида ўз вақтида ёзилган “Шажарайи тарокима” асари ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлиб, у фақат тил ёдгорлиги эмас, асосан ишлаб чиқариш жараёнига, тарихшунослик ва беллетристик адабиётга ҳам тааллуқли асар эди.

*A.Н.Кононов*

Бобурнинг “Бобурнома”сидан илҳомланган қизи Гулбаданбегим форс-тожик тилида “Хумоюннома” асари ни яратди. XVII асрда Абулғозий Баҳодирхон томонидан ёзилган “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима”да “Бобурнома” анъаналарининг таъсири равшан кўринади.

*H.M.Маллаев*

Абулғозихон насрнавис ва тарихчи олим сифатида иккита йирик – “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларини ёзган. Унинг барча асарларида халқлар дўстлиги, тинчлик, яхши хулқ-авторли бўлиш, миллий ахлоқ-одобни такомиллаштириш, фан ва маданиятни ривожлантириш, илм ўрганиш, аждодтар ҳурматини сақлаш сингари оҳанглар ўз ифодасини топган. Улуғ мутафаккир жоннинг саргузаштларга бой хаёти, бекиёс ижодий фаолияти, истеъоддли кишиларга ғамхўрлигини ўрганиш, тадқиқ этиш тарбиявий ахамиятга эгадир.

Ш.Авазов, З.Очилов

Туркий халкларнинг тоифа ва уруғлари тарихини ўрганишда Абулғозийхоннинг “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларининг ахамияти катта.

\*\*\*

Абулғозийхоннинг “Шажарайи тарокима” номли иккинчи асари ҳам Ўрта Осиё, айникса, туркман халклари тарихини ўрганишда қимматли асарлардан хисобланади.

Қ.Муниров

**Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш йўлини йўриги**

Ушбу асар бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Конференцияни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1-2 ой олдин бошланади. Бунинг учун кутубхонага, ташкилот, жамоа, уюшма, муассасаларга, мактаб, колледж, лицей, олий ўқув юртларига, музейларга эълон ёзилиб, иштирок этувчи китобхонларга таклифнома ва дастурлар юборилади. Маҳаллий матбуот, радио ва телевидение орқали конференция ўтказилиши тўғрисида хабар берилиши унда

кўпчиликнинг иштирок этилишини таъминлайди. Конференция учун аудитория танлаб безатилади. Абулғозий Баҳодирхоннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмаси ташкил килинади. Китоб кўргазмасидаги адабиётлардан обзор ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Конференция ўтказиладиган жойда Абулғозий Баҳодирхон портретини, шунингдек агар бор бўлса, Хоразм хонликларига доир хариталарни ҳам қўйиш мумкин. Конференцияни кутубхоначи ёки фаол китобхонлардан бири олиб бориши мумкин. Конференция давомида иштирокчилардан асар ҳақида саволлар берилишини ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференциянинг янада қизикарли ўтиши учун “Шажарайи турк” асарини таржима қилган таржимонларни, агар ҳаёт бўлса, бу асар юзасидан тадкиқот ишларини олиб борган тадкиқотчиларни, файласуф, тарихчи, адабиётшунос, ёзувчи ва шоирлар, тишлинослар, фольклоршунос, журналистлар, географлар, тарих ва адабиёт ўқитувчиларини таклиф қилиш мумкин.

### **“Шажарайи турк” асарининг яратилиши ва мазмуни**

Абулғозий “Шажарайи турк” асарини яратишдан мақсади Чингизхон авлодининг тарихини яратиш эмас, ўзидан олдин ўтган ота-боболарнинг ва акаларининг Хоразмда ҳукмронлик қилган даврлари тарихини, яъни ўз аждодларининг бепарволиги туфайли ёзилмай қолган тарихни ёзиб, келгуси авлодларга тухфа қилиб қолдиришдан иборат эди. У ўзининг китобини ёзишга киришар экан, унинг қўл остида ўн саккизта форсий ва туркий тилларда ёзилган манбалар борлигини қайд қиласди: “Эрон бирлан Туронда ўтган Чингизхон ўғлонларининг отларина айтилган тарихлардин ушбу замон факирнинг олдинда ўн саккиз мужаллад хозир турар” (“Шажарайи турк”).

Буларнинг орасида тарихчи Фазуллоҳ Рашидиддиннинг (1247-1318) “Жомеъ-ул-таворих” (“Тарихлар йигиндиси”), Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирхондинг “Равзатус-сафо”, Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, Гулбаданбегимнинг “Хумоғоннома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарлари, Хондамир, Зайниддин Восифий, Абдураззок Самарқандий, Жувайний ибн Арабшоҳ каби муаррихларни фараз қилиш мумкин. Абулғозий бу асарларни ҳам чукур ва атрофлича ўрганган ҳамда улардан самарали фойдаланган.

Шунингдек, “Шажарайи турк”нинг яратилишида асосий роль ўйнаган манбалар муаллиф кўрган, иштирок этган ва ўз бошидан кечирган тарихий воқеалар, саргузаштлардан иборатdir. Муаллифнинг асосий максади Хоразм шоҳларининг ёзилмай қолган тарихини узок ўтмишга саёҳат қилиш билан бошлади. Уша вактларда тарихий ва бадиий асарларни бундай бошлаш мусулмон Шарқида анъанага айланиб кетган эди. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си ҳам, Рашидиддиннинг “Жомеъ-ул-таворих”и ҳам шундай бошланган. “Шажарайи турк”да ҳам бу анъана давом эттирилган.

Ушбу асар қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат.

Асарнинг биринчи бобида Одам атодан то мўғул хонигача бўлган тарихий воқеалар тасвири берилган. Муаллифнинг баёнида аник тарихий воқеалар баёнидан кўра афсоналар ҳикоя қилиш устунлик киласи. Масалан, “Худойи таоло Одам алайҳиссаломни яратқанининг зикри” қисми “Куръон” ва бошқа диний дидактик китоблар баёнига асосланган. Биз асарни қўздан кечирар эканмиз, унда диний қобиқда дунёвий руҳдаги масалалар баён қилингандигини кўрамиз. Чунончи, “Ёғасни баъзилар

пайғамбар эрди, теб туурлар ва батызилар “пайғамбар эрмас, теб туурлар. Ёфас отасининг ҳукми бирлан Жуди тогидан кетиб Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ёқосига борди, икки юз эллик йил анда турди. Таки вафот тобди. Саккиз ўғли бор эрди. Авлоди бисёр кўб бўлиб эрди... Ёфас ўларинда улуғ ўғли Туркни ўрнида ўлтуртуб, ўзга ўғлонлариға айттиким, Туркни ўзларингизга подошоҳ билиб, анинг сўзидан чиқманг. Туркка Ёфас ўғлони деб лақаб қўйдилар. Бисёр адаблик ва оқил киши эрди. Отасидин сўнг ерларни юруб кўрди. Таки бир ерни хушлаб, анда ўлтурди. Бу кун ул ерларни Иссиқкўл дерлар... Кунлардан бир кун овға чиқиб кийик ўлтуруб, кабоб қилди. Еб ўлтуруб эрди, илгидин бир турғам эт ерга тушди. Ани олиб еди эрса, оғзига бисёр хушмаза келди, анинг учун ул ер тузлок эрди. Ошга туз солмоқни ул чикарди” (“Шажарайи турк”).

“Шажарайи турк” асарида муаллиф 400 дан ортиқ тарихий шахснинг номини тилга олган, улардан 110 кишининг ҳаёти ва фаолияти қисқача баён этилган. Булар: хонлар, амалдорлар, шаҳзодалар, лашкар бошликлари, аскарлар, дежқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар ва бошқалардир.

“Шажарайи турк”да тилга олинган шахслар киёфа-сини гурухларга бўлар эканмиз, уларни иккига –афсонавий ва тарихий шахсларга ажратиш мумкин. Бироқ шуниси борки, муаллиф афсонавий шахсларни ҳам аник тарихий шахслар сифатида тасаввур қиласи, уларни тарихда ҳақиқатан ҳам яшаб ўтган шахслар, яъни туркий халқларнинг энг биринчи аждодлари сифатида китобхонларга такдим қиласи.

“Шажарайи турк” асарида тарихнинг турли масалаларига (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-этник ва ҳоказо) оид эътиборга молик маълумотларга бой асардир.

Жумладан, тарихий маълумотлар ичida Шайбон улуси ва унинг сарҳадлари, XV асрнинг сўнгги чораги – XVI аср бошларидағи умумий аҳволи, Сибирь хонлиги, Хоразмнинг XVI-XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтим - ойй-сиёсий аҳволи, Россия, Қозоқ ҳамда Бухоро хонликлари билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар дикқатга сазовордир.

Шунингдек, этнографик маълумотлар турк-мўғул қабилалари, хусусан номларининг маъноси, ўзбеклар, сартлар ҳамда туркман уруғлари (сариқ, ёвмут, қизил аёқ, эрсари ва ҳоказо) ҳақидаги маълумотлар ҳам мухимдир.

Жумладан, ўлканинг ижтимоий-иктисодий аҳволига оид маълумотлар ҳам берилган. Хоразмнинг ўша замонларда ҳам обод бўлганлиги, Амударё ўзанининг ўзгарган вақти ва унинг оқибатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам кимматлидир.

Муаллиф ўз асарида қalamга олган реал табиат манзараларини – пейзаж, қишлоқ ва шаҳарлар кўринишини, тоғлар ва ўрмонларни, оқар сойлар ва булоқларни шунчалик жонли қилиб берган.

Бундан бошқа яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Қисқаси, “Шажарайи турк” Хоразмнинг узоқ ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий, иктисодий ва маданий ҳаётига оид жуда кўп маълумотлар беради.

### **Асар мухокамаси учун тахминий саволлар**

1. Муаллиф “Шажарайи турк” асарини яратишида кимларнинг асарлари билан танишиб чиққан?
2. “Шажарайи турк” асари тўққиз бобдан иборат. Ана шу бобларнинг изохини айтиб беринг.
3. Асарнинг 9 бобида Шайбон авлодидан Хоразм мамлакатида подшолик қилганлар зикри берилган. Ана шу зикрлардан бирини айтиб беринг.

4. “Шажарайи турк” ва унинг мемуар хусусиятлари ҳакида сизнинг фикрингиз?

5. Асарда тарихий шахслар тасвири қандай акс эттирилган?

6. Асарда ҳалқ ҳаёти, урф-одатлари тасвирининг қаламга олинниши ҳакида сизнинг фикрингиз?

7. Муаллиф асарида шаҳар ва қишлоқларнинг бадиий тасвири ҳакида гапириб беринг?

8. Асарнинг Европа тилларида нашр этилишига сабаб нима?

9. “XVII асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги ва Абулғозий” мавзууда номзодлик диссертацияси ёзилишига сабаб нима?

**“Шажарайи турк” асаридаги зикрларидан намуналар**

**Мўғулхоннинг зикри ва Чингизхоннинг дунёга  
келганинча**

Асл лафз мўғул мунгул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора Мўғул тепдилар. Мунгнинг маъносини барча турк билурлар, қайfu маъносина турур. Улнинг маъноси сода дил, яъни қайfули сода темак бўлур. Бу тоифадин тўқкуз киши подшоҳлик қилдилар. Аввал Мўғулхон охири Элхон. Шарафиддин Яздий “Зафарнома”нинг муқаддимасинда айтиб турур: Турк ҳалкининг ичинда расм турур ҳар нимарсанни тўқкуз қилмоқ. Ул тўқкузни Мўғулнинг тўқкуз хонининг юзиндин олиб турур ва тақи қитобнинг аввалинда ҳам айтулди, худойи таолонинг яраткан нимарсаларининг барчасин мартаба-мартаба яратган турур. Ҳеч нимарсанинг мартабасини тўқкуздин юқори яраткан эрмас турур. Мўғулхон кўп йиллар подшоҳлик қилди. Тўрт ўғли бор эрди. Аввали – Қораҳон, иккичи Ўзхон, учинчи Кўзхон, тўргинчи Кўрхон. Мўғулхон ўлар бўлғанида улуғ ўғли Қораҳонни ўз ўрнида қўюбкетди.

## **Ўғузхоннинг ўғлонлари ва набираларининг отларининг зикри**

Олти ўғли бор эрди. Аввалгининг оти Кунхон, иккинчи Ойхон, учинчи Юлдузхон, тўртингчи Кўкхон, бешинчи Тоғхон, олтинчи Тенгизхон. Бу олтисининг ҳар кайсининг тўрт ўғли бор эрди. Одми хотундин бўлған ва кумадин бўлған ҳам бор эрди. Ани ҳам айтгумиз туур.

Кунхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Қайи, иккинчи Баёт, учинчи Алқаэвли, тўртингчи Коргаэвли. Ойхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввалгининг оти Ёзир, иккинчи Ёбир, учинчи Дудурға, тўртингчи Дўкар. Юлдузхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Ӯшар, иккинчи Карнак, учинчи Бекдили, тўртингчи Қаркин. Кўкхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Байандур, иккинчи Бачана, учинчи Чавулдур, тўртингчи Жабни. Тоғхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Салур, иккинчи Эмар, учинчи Олайўнти, тўртингчи Ургир. Тенгизхоннинг тўрт ўғли бор эди. Аввал Иғдир, иккинчи Букдиз, учинчи Ова, тўртингчи Қиник. Ўғузхоннинг бу олти ўғлининг ҳар кайсисининг Кумадин бўлғон бу айтилганлардин бошқа яна тўрт ўғли бор эрди. Отлари бу туур, аммо қайси ўғлиндин бўлғани маълум эрмас, Канакуна, Турбатли, Керайли, Султонли, Ӯқли, Кўкли, Сужли, Хурносонли, Юртчи, Чамчи, Турумчи, Куми, Сурқий бу вактда ани Сурхий дейтуурлар. Курчиқ, Суварчиқ, Қорачик, Қозғурт. Қирғиз, Тикин, Лола, Мурдашуй, Сойир.

## **Шайбанхон наслиндин Мовароунинахда подшоҳ бўлғанларнинг зикри**

Чингизхоннинг ўғли Жўчихон, аниг ўғли Шайбонхон, аниг ўғли Баходир, аниг ўғли Жўчибуқа, аниг ўғли Бодақил, аниг ўғли Мунка Темур, аниг ўғли Пулод, аниг ўғли Иброҳим ўғлон, аниг ўғли Давлат Шайх ўғлон, аниг ўғли Абулхайрхон. Аниг ўн бир ўғли бор

эрди. Ул уғ ўғлиниң оти Мұжаммад, лақаби Шоҳбаҳт. Үзи шоир эрди. Шайба нхоннинг наслиндін бўлған учун ўзига Шайбоний таҳаллус қилиб эрди. Шоҳбудак султони мазкурнинг кичик ўғли оти Маҳмуд Султон, аниг ўғли Убайдуллоҳон. Абулхайрхони мазкурнинг иккиламчи ўғлининг оти Ҳожа Мұхаммад. Аммо ўзбек ани Ҳўжуғам тентак дерлар. Аниг ўғли Жонибек. У ҳам беақл киши эрди. Аниг ўғли Искандархон. Ул ҳам кам ақл киши эрди. Аммо аниг икки ҳунари бор эрди. Андин сўнг карчихай солмокға ва ани сақламокға яктойи жаҳон эрди. Аниг ўғли машхури маъруф Абуллоҳон. Аниг ўғли Абдулмўминхон. Бу жаматнинг насли Абдулмўминхонда мункатиъ бўлди. Маълум бўлсун ким Абдулхоннинг ҳикояти оламди машҳур эрди. Ул сабабдин батағсил баён килмаду к.

### **“Шажарайи тарокима” асари юзасидан савол-жавоб кечаси учун таҳминий саволлар**

1. “Шажара́йи тарокима” асари қачон яратилган?
2. “Шажара́йи тарокима” асарининг тилшунослик, тарихшунослик ва адабиётшуносликдаги аҳамияти ҳақидаги сиз нинг фикр ингиз?
3. Муаллифнинг “Шажарайи тарокима” асари рус тилига таржима қылган таржимон ким?
4. “Шажара́йи тарокима” асари қандай асар?
5. Туркман ҳалқининг келиб чиқиши ҳақида қандай маълумотлар берилгандан?
6. Ўғузхоннинг хон бўлғанининг зикри баёнини айтиб беринг?
7. Ўғузхоннинг Турон ва Ҳиндистонга, Эрон, Шом ва Миср сари юрганининг зикрларини берилишини қандай таҳлил қиласиз?
8. Туркманистон тарихини яратишда “Шажарайи тарокима”нинг тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?

9. Ушбу асарда ўзбек ва туркман халклари ўртасида иноклик ўрнатилиши таъкидланган. Бунга сизнинг шахсий фикрингиз?

10. Абулғозий Баҳодирхон яратган “Шажарайи тарокима” асарининг бугунги кундаги аҳамияти нимадан иборат?

11. Тарихнавислик мактабига асос солган Абулғозий яратган ушбу асардаги Ўғузхон образи номига мустақиллик Йилларида “Туркманистон календари”нинг июль ойига “Ўғуз” деб ном берилишига сабаб нимада деб биласиз?

12. Ушбу асарда туркман халқи яратган кўпгина ривоят ва хикоятларнинг берилишини қандай изоҳлайсиз?

13. Ўзбек ва туркман халқи ўртасида маданий алоқа ларни янада мустаҳкамлашда муаллиф томонидан ярати лган ушбу асарнинг қандай ўрни бор?

**“Истеъдодли әдаб, маърифатпарвар, давлат арбоби ва олим Абулғозий Баҳодирхон хаёти ва ижодий фаолиятини биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Беллашувнинг максади китобхонларни Абулғозий Баҳодирхон ижоди билан таништириб, әдаб ва маърифатпарвар, давлат арбоби яратган асарларни ўқиши, ижоди, таржимиаи ҳоли, у хақидаги асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдаи иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гурухи гузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, колледж ўқувчилари, ишчилар, талабалар, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Ҳар бир гурух 8 ёки 10 нафар китобхонлардан ташкил топади.

Беллашув ташкитотчилари саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлар хар икки гурухга мўлжал-

лаб қўйилади. Бериладиган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида катнашувчилар ўша манбаларни шухта ўқиб чиқишлиари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги асарларга каратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Абулғозий Баҳодирхон ҳаёти ва фаолиягини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишини таъсия қиласиз.

Кўйида Беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва маънбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Абулғозийхон отасининг нечанчи ўғли бўлган?

(Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бўлган. Шундан тўртинчиси Абулғозийхон бўлган).

2. Абулғозийхон неча ёшида тож-тахт учун бошланган ўзаро қурашлар гирдобига тушган?

(У ўн уч ёшида тож-тахт учун бошланган ўзаро қурашлар гирдобига тушган).

3. Абулғозийхон ва Шариф Муҳаммаднинг Хоразмга қайтишига ким рухсат берган?

(Ҳабаш ва Элбарс устидан ғалаба килган Асфандиёрхон И момқулихон саройига ўз инилари Абулғозийхон ва Шариф Муҳаммадни тилатиб киши юборади. Шундан кейингина И момқулихон уларга Хоразмга қайтиш ига рухсат берган).

4. Абулғозийхонни Урганчга ҳоким қилиб тайинлаган ким?

(Абулғозийхонни Урганчга Асфандиёр ҳоким қилиб тайинлаган).

5. Абулғозийхон нима сабабдан Туркистонда, Тошкентда бўлиб, кейинчалик Хивага қайтган?

(Асфандиёрхон билан Абулғозийхон ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Шундан кейин Урганчда туришининг иложини топа олмаган Абулғозийхон Туркистанда, Тошкентда бўлиб, кейинчалик Хивага қайтган).

6. Абулғозийхон қайси тилларни билган?

(У араб, форс ва туркий тилларни пухта ўрганган).

7. Абулғозийхон қайси йиллари Хива тахтини эгаллаған ва неча йил давомида Хивада хон бўлган?

(1644 – 1645 йили Абулғозийхон Хива тахтини эгал- лайди ва деярли йигирма йил давомида Хива хони бўлиб туради).

8. Абулғозий қайси йиллар давомида тарқоқ ҳолатга келиб қолган Хоразм давлатини мустақил ва марказлашган давлатга айлантиришга эришган?

(1644 – 1664 йиллар давомида).

9. Абулғозий эронлик машхур тарихчи Рашид иддиннинг қайси асарини ўқиган?

(Абулғозий эронлик машхур тарихчи Рашидиддин (1247 – 1318)нинг “Жомеъ-ул-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”) асарини ўқиган).

10. Абулғозийнинг тарихий китоблар ёзишига нима туртки бўлган?

(Абулғозий ўз даврига қадар Хоразмга оид дуруст-роқ бир тарих китоби бўлмаганлиги учун XVI – XVII асрлар воқеаларига бағишлисанган тарихий китобга эҳтиёж сезади. Ана шундай ниятда у катта иштиёқ билан “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар тарихи” 1661 й, “Шажарайи турк” (“Турк суполоси тарихи” 1664 й.) каби нодир асарлар ёзди ва Хоразм тарихнавислик мактабига асос солди).

11. Абулғозий яраттан тарихнавислик мактабини кимлар давом эттирганлар?

(Абулғозий яратған тарихнавислик мактабини Мунис, Оғажий, Баёнийлар давом эттирганлар).

12. Унинг “Шажарайи тарокима” асари қачон ва ким томонидан рус тилига тражима қилинган?

(Муаллифнинг “Шажарайи тарокима” асари 1893 йилда А.Г.Туманский томонидан рус тилига таржима қилинган).

13. Абулғозийнинг қайси асари, қайси муаллифнинг асарига ўхшаш?

(Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асари Бобурнинг “Бобурнома” асарига яқиндири).

14. Қуйида келтирилған парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Аммо бизнинг акаларимизнинг бепарволики ва Хоразм халқининг бевуқұфлики, бу иккі сабабдан, бизнинг жамоатимизни Абдуллахоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилигтан еридан то бизга келгүнча тарихларини бітгемай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қиласы деб фикр қылдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдан ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: “Ўксук ўз киндигини кесар”, теган.

“Ҳеч поділоҳ ва амир ва ҳеч ҳаким ва донишманд ўз тарихини ўзи айтган эрмас турур. Бизнинг юртимизнинг ҳавосиндин ва аҳли Хоразмнинг бебизотлигидин ҳеч замонда бўлмаган иш бўлди”

(Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асаридан олинган).

15. Машҳур ўзбек тарихчиси Я.Ғуломов қайси асарини яратишда Абулғозий асарларига кўп таянган?

(Я.Ғуломов “Хоразмнинг сугорилиши тарихи” номли монографиясини яратишда Абулғозий асарларига кўп таянган).

16. “Хивалик Абулғозихон асрлари ўзбек адабиёти ва тилининг ёдгорлиги сифатида” мавзудаги маъруза нечанчи йилда ва қайси анжуманда ўқилган?

(1957 йилнинг 4 – 11 июнь кунларида Тошкентда ўтказилган собиқ Бутуниттифок шарқшунослаrinинг биринчи илмий-назарий конференциясида “Хивалик Абулғозихон асрлари – ўзбек адабиёти ва тилининг ёдгорлиги сифатида” мавзуда маъруза қилинган).

17. Абулғозий Баходирхоннинг “Шажарайи турк” асари қайси йилларда немис, француз, инглиз, лотин ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган?

(Муаллифнинг “Шажарайи турк” асари XVIII – XIX асрларда жаҳон илм ахлиниң диққат марказида бўлиб, 1726, 1732, 1770 йилларда немис, француз, инглиз, лотин, татар ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган).

18. Марказий Осиё тарихини ўрганган шарқшунос олимлардан кимлар Абулғозининг “Шажарайи турк” асари юксак маърифий-илмий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар?

(А.Вамбери, В.Б.Бартольд, Н.Н.Полтов, А.Н.Самойлович, А.Н.Кононов, А.Н.Абрашев, Н.Веселовский, А.Якубовский, К.Юсупов, С.И.Иванов, П.П.Иванов, В.Зохидов, А.В.Абдуллаев, Н.М.Маллаев, Я.Фуломов, Қ.Муниров, Ҳ.Худойназаров ва бошқалар Абулғозининг “Шажарайи турк” асари юксак маърифий-илмий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар).

19. Қуйида келтирилган ушбу парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Ўшал бир яшар ўғлон анда равон,  
Келиб тилга тегди билинглар аён.

Отимдур Ўгуз Ҳисраву номвар,  
Билинглар яқин Барча аҳли хунар.  
(Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”  
асаридан олингани).

20. Ушбу келтирилган парча муаллифнинг қайси  
асарида берилган?

Андин хунар кўттардилар барча ули (улуғ),  
Баъзиларга ўрун берди сағли, сўлли,  
Бизга бўлди қамуғ элинг ўрни дингли.  
Алплар, беклар кўркан борму Қозон каби.  
Сабоҳ, саёҳ Кўркут ўлар бўлдунг эмди,  
Ул Қазаннинг давлатина дуо қилғил  
Билғил, карвон кетди кўп кеч колдинг,  
Алплар, беклар кўран борму Қозон каби.

(Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима”  
асаридан олингани).

21. Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асари қандай  
асар?

(Муаллифнинг “Шажарайи турк” асари мемуар  
асарлар сарасига киради. У яратган “Шажарайи турк”  
асари мемуар сифатида XVII аср ўзбек адабиётида ягона  
чинакам тарихий тасвир намунасиdir. Абулғозий ўз асари-  
га киритган ҳар бир шахснинг ташқи кўриниши, баъзан  
кийиниши, таъби, одатини ва туркий уруғларнинг ҳудудий  
жойлашуви, маъзраси, иклими, хўжалиги, тириқчилик  
машғулотларини бадиий асарлардагидек жонли ва таъсир-  
ли килиб тасвирлаб беради).

22. Абулғозийхон Ҳоразмда илм-фан ва маданиятни  
ривожлантириш йўлида қаңдай ишларни амалга оширган?

(У халқнинг майшлий, иқтисодий ва маданий  
аҳволини яхшилашни мұқаддас бурчи деб билди.  
Абулғозийхон 1657 йили Бухоро ва Карманага ҳарбий  
юришдан сўнг. Полвон дарвоза ёнида Янги Оқ масжидни

курди. Шунингдек, турли бинолар, тураг жойлар куришга эътибор бериб, Хивада отасига атаб Арабмуҳаммад мадрасаси, ўғли Анушахон номига “Оқмасжид” ҳамда Мухаммад Ризобек мадрасаларини курдирди. Ўша мадрасалару масжидларга мударрислар, муаллимлар жалб қилинган).

23. Куйида келтирилган парча унинг қайси асаридан келтирилган?

...Бу факирга худои таоло иноят қилиб қўп нимарса берган туурур. Хусусан уч нимарса берган туурур. Аввал сипоҳигарчиликнинг конун йўсинин сув қилиб ичмоқ, нечук отланмоқ ва юрмок ва ховға босоқ ясамоқ, қўп бирлан юруғонда нечук қилмоқ, оз бирлан юруғонда нечук қилмоқ, дўстга ва душманга нечук сўзламоқ; иккиламчи – маснавият ва қасоидот ва ғазалиёт, муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламоқлик, арабий ва форсий ва туркий луготларнинг маъносини билмоқлик; учламчи – одам наслидин то бу дамгача Арабистонда-ю, Эрону Турондаю, Мўгулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрлари ни ва салтанатларининг кам зиёдин билмаклик.

(Муаллифнинг “Шажарайи турк” асаридан олинган).

24. Абулғозийхоннинг тиббиётшунос олим сифатида яратган асарнинг номини айтинг?

(У тиббиётшунос олим сифатида “Манофеъ-ул-инсон” асарини форс тилида яратган).

25. Абулғозийнинг қайси асарида этнографик маълумотлар берилган ва уларни айтиб беринг?

(Унинг “Шажарайи турк” асарида этнографик маълумотлар берилган, яъни турк-мўғул қабилалари, қабила ғомларининг маъноси ҳақидаги, ўзбеклар, туркман уруғлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар).

26. Муаллифнинг қайси асарида Ўғузхоннинг йигирма тўрт неваралари исмларининг маънолари зикр этилган?

(Абулғозийхоннинг “Шажарайи турк” асарида этнографик ва жўғроф ий маълумотларгина эмас, балки исмларнинг маъноларигача берилган бўлиб, унда Ўғузхоннинг йигирма тўрт неваралари исмларининг маънолари зикр этилган).

27. Қўйида келтирилган ушбу парча, муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Ўғуз килди ул тўйда жарғамиша,  
Бу олти ўғилни суяр ҳамиша.  
Булар қўрсатиб эрди марданалик,  
Ота бирлан кўп турли фарзоналик...

(Муаллифнинг “Шажарайи турк” асаридан олинган).

28. Унинг “Манофеъ-ул-инсон” рисоласи неча қисмдан иборат?

(Тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда оддий дорилар, иккинчи қисмда мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатишларни йўллари, учинчи қисмда дардларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, касалликларни даволаш тартиблари ҳақида, тўртинчи қисмда эса ўзидан олдин ўтган табибларнинг ва айни вақтда bemорларни даволаш соҳасидаги фикр-мулоҳазаларини оммабоп, содда тилда баён қиласди).

29. Абулғозий маърифий-дидактик ғояларни қандай тасвирилаган?

(У маърифий-дидактик ғояларни ташувчи халқ мақоллари, маталлари, ривоят ва афсоналар орқали мўғул ва туркий қавмларнинг, эл-элатларнинг турмуш тарзини, таълим-тарбия анъаналарини айрим тарихий шахсларнинг

яхши ва ёмон хулқларини хаётий фактлар ва ишончли далиллар билан тасвирлайди).

30. “Шажарайи тарокима” асарини ким таржима қилған?

(“Шажарайи тарокима” асари 1893 йилда А.Г.Тушанский томонидан рус тилига таржима қилинган. Кейинрек эса бу асарнинг түлиқ гаржимаси А.Н.Кононов томонидан амалга оширилган).

31. Муаллиф “Шажарайи тарокима” асаридаги кандай маълумотни акс эгтирган?

(Абулғозийхон “Шажараи тарокима” асаридаги туркӣ қабилаларнинг, хусусан, туркман халқининг келиб чиқиши ҳакида қимматли маълумотлар берган. Асада муаллиф барча туркий халқларнинг афсонавий подшоси Ўғузҳон ва унинг авлоди, тарихи, шунингдек, туркман уруғлари (солур, бояндур, така, ёвмут, тевачи, ҳизр эли, сарик, Али эли, ёзир, эр сори ва бошқаларнинг) келиб чиқиши қиска тарзда баён этилган).

32. Абулғозийхон Хоразм халқларининг бирбирларига хунар ўргатишларини ва подшоҳнинг бაъзи баҳодирларга ўз ёнидан ўрин берганини қандай куйлаган?

(Андин хунар кўтардилар барча огули,  
Баъзиларга ўрин берди соғу ва сўли.  
Бирга бўлди, буну билинг ўзи йўли,  
Аллар, беклар кўрган борму Қозон каби?)

33. “Родословное древо тюрок Абулгазихана” номли монографияни ва “Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асаридаги феъл ва исм” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган олим ким?

(Таниқли туркшунос С.И.Иванов Абулғозихоннинг “Шажарайи турк” асари бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот иши олиб бориб, самарали меҳнатининг маҳсули сифатида “Абулғозихоннинг “Шажараи турк” асари

(“Родословное древо тюрок Абулгазихана”) номли монографиясини ёзи (1969), у 1970 йилда “Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк асарида феъл ва исм” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади).

34. Абулғозийхон давлат тепасига келгандан сўнг кўп кишиларни амалга тайин этган дейилган, ана улар кимлар?

(Мунис ўзининг “Фирдавс ул-иқбол” асарида ёзича, Абулғозийхон давлат тепасига келгандан сўнг кўп кишиларни амалга тайин этган. “Ўзбекдин 360 кишига амал берди. Аларнинг 32 сига ўз ёнидан ўрин берди. Андоқим, икки шайх ул-ислом, икки қози, бир раис Сайдид ота авлодидан, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт инок, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки око икки арбоб, тўрг чигатой иноқи ва бир вазирким, холо меҳтар дерлар ва бир қушбеги, бу иккови ўринсиз хон хузуриди оёқ устида турдилар”).

35. Абулғозий ҳақида биографик маълумотлар кайси манбаларда кўпроқ берилган?

(Абулғозийхоннинг “Шажарайи турк” асарида, ҳар хил энциклопедияларда босилған мақолаларда А.Абрахеевнинг “Родословное древо тюрков и его автор” (“Звезда Востока”.-1946.-№ 12.С 68-76) номли мақоласида, К.Юсуповнинг диссертация ишида (“Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII века”) ва А.Ю.Якубовскиййхоннинг “Очерки по истории туркменского народа и Туркменистана VIII-XIX вв” номли асарида ҳам келтирилган).

36. Туркий халқларнинг тоифа ва урувлари тарихини урганишда Абулғозийхоннинг қайси асарлари катта аҳамиятга эга?

(Абулғозийхоннинг “Шажарайи турк” ва “Шажарайи гарокима” асарларин инг аҳамияти катта).

**37. Абулғозийхон Хиванинг биринчи табиби номи билан ҳам машхур дейилган? Бунга сабаб нима?**

(У хонлик даврида тиббиёт билан чукур шуғулланган, ўзигача мавжуд бўлган тиббий рисола, асарларни тадқик этгани, жаҳон тиббиёти тарихидан хабардор бўлгани, эгаллаган билимини ҳаётга қўллагани маълум. Ана шу излашилари, амалий фаолиятининг натижаси бўлган “Манофеъ ул-инсон” (“Кишиларнинг сиҳат-саломатликлари йўлида”) рисоласи катта аҳамиятга молик.

Ҳивалик машхур табиб ва муаррих Муҳаммад Юсуф Баёний “Шажарайи Хоразмшохий” асарида ёзди: “Абулғози бир асар битиб, унга “Шажарайи турк” деб ном кўйди. Бу киши табобат соҳасида ҳам моҳир эдилар. Мен у кишининг “Манофеъ ул-инсон” отлиғ тибга оид форсча таснифларини кўрдим”).

**38. “Абулғозий ишлатган доривор ўсимликлар” (1970) рисоласи муаллифлари кимлар?**

(Р.Собиров ва Ҳ.Холматов ҳамкорлигида “Абулғозий ишлатган доривор ўсимликлар” (1979) чоп этилган).

**39. Қайси муаллиф томонидан Абулғози Баҳодирхон ва у яшаб ижод этган давр ҳақида қандай асар яратилган?**

(Шоир, драматург ва носир Эркин Самандар Абулғози Баҳодирхон ва у яшаб ижод этган давр ҳақида “Тангри қудуғи” тарихий романини (1996) яратган).

**40. Ушбу келтирилган парча кимнинг асаридан олинган?**

Кун бота бошлади. Абулғози султон Ҳусайнияга қайтиб, йўл анжомларини яна бир бор кўздан кечирди. Ҳуфтон намозини ўқиб, шахар ногораси чалинишини кутишди. Таомилга кўра қатъя девори устида ҳар окшом ярмида ногора чалиниб, дарвоза охирги марта очилиб-

ёпилади, кирадиганлар кириб, сайёхлар, турли эжтиёж-  
мандлар чикиб кетди.

(Эркин Самандарнинг “Тангри кудуғи” тарихий  
романидан олинган).

41. Куйида келтирилган парча кимнинг асаридан  
олинган?

Аъёнлар ёнида буни кузатиб турган меъмор ва  
мусаввир Давлатёр ўлади, энди Биби Нур эна қулидан  
кишан олинди. Момо ер тасвирини бошқатдан ишлайди  
энди... Энди, иншооллоҳ, муқаддас Энамиз озодлик, адолат  
ва саодат йўлига чиқдилар!

Эшак минишига одатланган оломон Фирот отларда  
бесўнақай ўтиргача ўз дала-дашти томон кетиб борар,  
Абулғози Баҳодирхон уларни ҳаяжон билан кузатиб турар,  
ўз кўзла ридан оқаётган ёшга парво килмас эди!

(Шоир, драматург ва носир Эркин Самандарнинг  
“Тангри кудуғи” тарихий романидан олинган).

42. Ушбу келтирилган парча кимнинг асаридан  
олинган?

Сен онанг қорнида ҳомила эдинг?  
Мана-мана сени кутардик ҳамма.  
Айни ёз, юрт обод, эл доруломон,  
Тўйга ҳозирланиб турарди Хива,  
Дафъатан Урганчга ёпирилди ёғий,  
Хивадан то Урганч етиб боргунча  
Ўрус казаклари талаб қалъани,  
Кизлар номусига этмиш тажовуз.  
Бир кувват бахш этди Худойим менга,  
Темурни кесгудай қиличим дами,  
Ер тишлар эди ёв беролмайин дош.  
Тирик қолганлари қочган сахрога,  
Кувиб қатл айладим бигта қолдирмай,  
Сен зафар онида келдинг дунёга,

Шундан Абулғози қўйдим исмингни.

(Эркин Самандарнинг “Арабмуҳаммад Баҳодирхон” ўтмишга саёҳат. Икки қисмдан иборат тарихий фожеа асаридан олинган).

43. Куйида келтирилган парча кимнинг қаламига мансуб ва асарнинг номини айтинг?

Иншоёллоҳ, падари бузруквор, дағи баҳту таҳtingиз устувор, даги элимиз намудор, даги салтанатимиз пойдор бўлғай! Ани кўрмок ва анга етушмак йўлида Оллоҳдин марҳаматлар тилаб, белин қаттуқ боғлаган ўғлунгуз Абулғози.

(Эркин Самандарнинг “Арабмуҳаммад Баҳодирхон” ўтмишга саёҳат. Икки қисмдан иборат тарихий фожеа асаридан олинган).

44. Ушбу шеърий парча кимнинг қаламига мансуб?

Салтанат пойдор бўлғай деб доғи  
Абулғози султон бежиз айтмамиш,  
Давлат пойдорлиги Сизнинг биландур.  
Сизни асраромоқлик бобида ўйлаб,  
Бир чора изланиш аркони давлат.

(Эркин Самандарнинг қаламига мансуб).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар хайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, тарихчилар, доришунюслар, таржимонлар, журналистлар, тарих ва адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тарикасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

## **“Насрнавис ва тарихчи олим” номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этиласётган китоб кўргазмаси кутубхонада  
утказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

### **1. Абулғозий Баҳодирхон биографиясининг саҳифалари.**

*Ҳеч подиоҳ ва амир ва ҳеч  
ҳаким ва донишманд ўз тарихини ўзи  
айтган эрмас туур. Бизнинг  
юртимиз- нинг ҳавосиндин ва аҳли  
Хоразмнинг бебизотлигидин ҳеч  
замонда бўлмаган иши бўлди.*

*Абулғозий Баҳодирхон*

Бу бўлимга Абулғозий Баҳодирхон биографияси  
берилган нашрлар қўйилади.

### **2. Абулғозий Баҳодирхон адаб ва давлат арбоби.**

*Абулғозийхон Шарқ ҳалқлари  
тарихи, маданияти, адабиётининг  
ўтиқор билимдони, илм-фанга эътиқод  
қўйган, нодир меъморий ёдгорлик-  
ларнинг яратилишида бевосита  
ҳомигўлик қилган маърифатпарвар  
давлат арбоби ва олим адаб ҳамдир.*

*Х.Худойназаров*

Бу бўлимга Абулғозий Баҳодирхоннинг ўзбек  
тилидаги ва бошқа тиллардаги нашрлари қўйилади.

### **3. Абулғозий Баҳодирхон тиббиётшунос олим.**

*Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсади гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, улкин топилур эрди, ҳозир машақкат бирла ўртага келур. Шул сабабдин, ишлатга илож қилмоқ учун, мӯътабар китоблардин ҳоҳлаб жам қилиб, ондин сўнг ишлаттарни баён қилим.*

*Абулғозий Баҳодирхон*

Бу бўлимга Абулғозий Баҳодирхоннинг тиббиётга оид наишлари ва вақтли матбуотларда берилган манбалари қўйилади.

### **4. Ноёб қалам соҳиби.**

*Абулғозийхон қатор тарихий асарлар ижод этган ўз даврининг етук тарихнавис олими, давлат арбоби ва лашкарбошиси эди.*

*Қ.Муниров*

Бу бўлимга тарихчи ва олимлар, адибларнинг Абулғозий Баҳодирхонга бағишлиб ёзган асарлари, олимларнинг у хақида ёзган илмий мақолалари қўйилади.

## **Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми**

### **Китобхонлар конференцияси**

1. “Шажарайи турк” тарихий-бадиий обида, мемуар китоб.
  2. “Шажарайи тарокима” туркман халқининг келиб чиқиши ҳақидаги манба.
  3. “Абулғозий Баҳодирхон тарихчи олим” каби мавзуларда;
- “Хоразмнинг маърифатпарвари” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Мавзули кечаки**

1. “Абулғозий Баҳодирхон асарларида урф-одатларнинг тасвири ва унинг бадиий қиммати”.
  2. “Абулғозий Баҳодирхон асарларида этнографик маълумотларнинг Берилиши”.
  3. “Абулғозий Баҳодирхон асарларида ўлканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотларнинг акс эттирилиши” .
  4. “Шоҳ ва табиб”.
  5. “Абуғозийхон касалликларнинг олдини олиш учун юрт ободончилиги озодалик каби масалаларига ҳам давлат сиёсати сифатида эътибор каратган шоҳ” каби мавзуларда
- “Ўз даврининг билимдон тарихнависи”, “Абулғозий Баҳодирхон табиб” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Мунозара кечаси**

1. “Шажарайи турк” асари ва у яратилгани тарихий-маданий давр.
2. “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарларининг бошқа манбаларни яратишдаги ўзига хос ўрни.

“Улуг мутафаккир” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Савол-жавоб кечаси**

1. “Абулғозий Баҳодирхонни биласизми?”
2. “Абулғозий Баҳодирхон ким?”
3. “Абулғозий Баҳодирхоннинг фан ва маданиятни ривожлантиришига кўшган хиссасини биласизми?”

“Халқлар дўстлиги, тинчлигини улуглаган адаб” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Билимдонлар беллашуви**

1. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асар ида, баён ва тасвир, сажеъ, фольклор бадиий услубининг ўзига хос акс эттирилиши?
2. Абулғозий Баҳодирхон яратган асарларни биласизми?

“У ўзбек тарихнавис олимни” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Давра сұхбати**

1. “Абулғозий Баҳодирхон асарларида халқпарварлик, маърифатпарварлик ғояларининг улугланиши”.
2. “Абулғозий Баҳодирхон асарларида тарихий ва этнографик, ўлқанинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотларнинг қаламга олиниши”.

“Абулғозий Баҳодирхон давлат арбоби” мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Учрашув кечаси**

Асарларини нашрга тайёрлаганлар ва у ҳакида асар, илмий-монографик асарлар, илмий-тадқиқот, илмий мақолалар ёзган муаллифлар билан

1. Қозоқбай Махмудов
2. Қувомиддин Муниров
3. Эркин Самандар

#### 4. Солий Ҳасанов ва бошқалар

“Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб”, “У ўз даврининг давлат арбоби”, “Абулғозий атоқли тарихнавис” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

#### Хотира ва қадрлаш соати

1. “Тарихини улуғлага н давлат арбоби”.
2. “Асарлари барҳаёт адиб”.
3. У мри боқ ий адиб”.
4. “Ўз вакти да тарихини яратган олим”.

“Маънавиятимиз сарчашмаси”, “Ўчмас номинг жаҳонда”, “Мангаликка даҳлдор адиб” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

“Абулғозий Баҳодирхон тарихчи олим ва давлат арбоби” рукни остида картотека тузиш, алоҳида нашрлари, у ҳақидаги материаллар билан, шунингдек, маҳаллий вактли матуботда чоп этилган манбалар билан картотекани бойит иб бориш.

**Қатнашувчилар:** жойлардаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказлари, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Истевъод” жамгармалари вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари, диншунослар, файласуфлар, тарихчилар, географлар, тилшунослар, адабиётшунослар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, этнографлар, фольклоршуносларни, “Улкашунослик” музейи ходимларини, журналистлар, шоир ва ёзувчилар, тарих ва адабиёт билимдонларини, маданият ходимлари ва кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувоффик

## Адабиётлар

Баҳодирхон Абулғозий. Шажарайи турк: Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун /Масъул мухаррир ва сўз боши муаллифи Б.А.Аҳмедов; Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, Қ.Махмудов.-Т.: Чўлпон, 1992.-192 б.

Баҳодирхон Абулғозий. Шажарайи тарокима /Нашрга тайёрловчи Қ.Махмудов.-Т.: Чўлпон, 1995.-48 б.

\* \* \*

Абулғозий //Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи: Ж.2 (XVII асрдан XX асрнинг иккинчи ярмигача) Қайта ишланган 3 - нашри.-Т.: Ўқитувчи, 1980.-Б.27-32.

Абулғозий Баҳодирхон //Ўзбекистон педагогикаси: 2 жилдлик. Ж.1. /Гузувчи муаллифлар: К.Ҳошимов, Сафо Очил; Таҳрир ҳайъати М.Хайруллаев ва бошк.-Т.: Ўқитувчи, 1995.-Б.287-312.

Абулғозий Баҳодирхон асарлари илмий-педагогик манба сифатида //Ҳасанов С. Ҳоразм матърифати олам кўзгуси /И.О.Обидовнинг умумий таҳрири остида.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-Б.199-216.

Абулғозийхон //Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлар, донишмандлар ва адиблар). З-китоб /Масъул мухаррир М.М. Хайруллаев.-Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1997.-Б.36-39.

Абулғозийхон //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул мухаррир М.М.Хайруллаев.-Тўлд. қайта нашр.-Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1999.-Б.274.-277.

Абулғозий Баҳодирхон //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. А-Бешбалиқ /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошк. - Т.: Ўзбекистон

миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.-Б.57-58.

Абулғозийхон //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиллар) /Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. – Тўлд. қайта нашр. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.-Б.291-294.

Абулғозийхоннинг хаёти ва фаолияти //Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари).-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.-Б.23-27.

“Шажарайи турк”, “Шажарайи тарокима” ва “Манофөъ ул-инсон” //Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари).-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.-Б.27-30.

Шоҳ ва табиб //Фойибов М. ва бошқ. Хива табобати /М.Фойибов, Рўзимбой Ҳасан, Олимжон Рazzok /Махсус мухаррир А.Усмонхўжаев.-Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995.-Б.16-20.

Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик: (XVII-XIX ва XX аср бошлари).-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.-192 б.

Самандар Эркин. Тангри қудуғи: Тарихий роман /Мухаррир ва сўз боши муаллифи Асрор Самад.-Т.: Камалак, 1996.-396 б.

Худойназаров Ҳ. “Шажарайи турк” ва унинг ўрганилиши.-Т.: Ўқитувчи, 1993.-125 б.

Худойназаров Ҳ. Абулғозий Баҳодирхон гарихчи ва адаб.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-51б. - (Шарқ мутафаккирлари).

\* \* \*

Исмоил Бекжон. “Шажарайи турк” қачон ёзиб тугалланган //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-2 сент.

Махмудов М. Абул Гози Баҳодирхон “Шажарайи тарокима” (Ўғуз турклари тарихи: [Теран томирларимиз] //Иқтисод ва ҳисобот.-1993.-№9.-Б.76-78.

Самандар Эркин. Арабмуҳаммад Баҳодирхон: Икки кисмдан иборат тарихий фожия: [Драма] //Шарқ юлдузи.-2002.-№2.-Б.74-108.

Самандар Эркин. Тангри кудуғи: [Роман] //Шарқ юлдузи.-1995.-№5-6.-Б.6-126.

Холбеков М. “Шажарайи турк” фаранг тилида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1991.-12 июль.

Холбеков М. “Шажарайи турк” фаранг тилида: [Маданий меросимиз] //Фан ва турмуш.-1992.-№1.-Б.11.

Қодиров Р., Алимова Р. Аждодларимиз ҳикояси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1992.- 24 апр.

---

Босишига рухсат этилди 2005 йил “13”07.2005 й  
Бичими 60x84 нашр. т.3. Адади 200 нусха. Буюртма № 104

Тошкент, X.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди